

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ТАМОЙИЛИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Отамуродова Шамсу Қамар Отамуродовна

Термиз давлат университети “Бошланғич таълим” кафедраси ўқитувчиси
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизими босқичлари ҳамда улар орасидаги боғлиқлик ва кейинги босқичга ўтишда таълим олувчиларга қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириши, бу жараёнда диверсификация тамойилидан фойдаланиши каби масалалар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Узлуксиз таълим, Давлат таълим стандарти, диверсификация, таълим олувчи, тамойил.

Аннотация. В данной статье говорится об этапах системы непрерывного образования и их взаимосвязях, а также о дальнейшем совершенствовании требований к обучающимся при переходе на следующий этап, используя в этом процессе принцип диверсификации.

Ключевые слова. Непрерывное образование, Государственный образовательный стандарт, диверсификация, обучающийся, принцип.

Abstract. This article talks about the stages of the continuous education system and their interrelationships, as well as further improvement of the requirements for learners when moving to the next stage, using the principle of diversification in this process.

Keywords. Continuous education, State educational standard, diversification, learner, principle.

Биз узлуксиз таълимдаги диверсификация жараёнининг асосий тамойилларининг таҳлилига киришишдан олдин жамоатчиликнинг узлуксиз таълим тизими олдига мутахассис кадрларни етказиб бериш билан боғлиқ талабларини тузилмавий равишда алоҳида ташкил этувчиларга ажратиш зарурати хусусидаги мулоҳазаларга тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Зеро, мазкур талабларни муфассал ўрганибгина, уларга жавоб берадиган даражадаги таълимни йўлга қўйиш мумкин. Маълумки, мамлакатимиздаги таълим тизими мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта

махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим каби асосий бўғинларни ўз ичига олади. Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларида таълим олувчи шахс, таълим субъекти сифатида шакллланган ҳамда таълимнинг навбатдаги босқичида унинг ҳажм, сифат, усул, метод ва воситаларидан маълум даражада эркин фойдаланиш имкониятларини қўлга киритади. Бироқ кузатувлар, тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим тизимининг дастлабки тўртта (мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими) бўғини орасида изчил боғланишларни таъминловчи талаблар тизими жорий этилиши лозим. Содда қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиси МТТ тарбияланувчисини “қандай даражада” қабул қилиб олишини дастурий-баёний тарзда тақдим этиши ҳамда МТТдаги тарбия жараёнларига бевосита методик, амалий кўмак бериш тизими йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Гарчи мазкур таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбия жараёнлари тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда (таълимнинг маълум бўғинига оид Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва шу қабилар) муфассал кўрсатиб ўтилган бўлса-да, маҳаллий шароитлар ҳамда имкониятлардан келиб чиқадиган талаблар ҳам бўлиши мумкин-ку? Худди шундай тизим таълимнинг навбатдаги ёндош бўғинлари (бошланғич таълим ва умумий ўрта таълим, умумий ўрта таълим ва олий таълим) орасида ҳам мавжуд бўлиши лозим. Мазкур талаблар ўз ичига ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблардан ташқари таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари, ўқитувчининг ижодий қобилияти, таълим муассасасидаги муҳит, таълим муассасаси жойлашган ҳудуд (минтақа)даги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда маданий шароитлардан келиб чиққан ҳолда таълим жараёни иштирокчиларининг учинчи томони (яъни ота-оналар) талабларини ҳам ҳисобга олган бўлиши ва соф ижодий тарзда тузилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу мавзу, бизнинг фикримизча, узлуксиз таълимдаги диверсификацияни янада ривожлантириш учун муҳим фактор бўлган бўлар эди, аммо у алоҳида тадқиқотлар ва изланишларни талаб қилади. Биз учун мазкур ўринда бу масаланинг таълим тизими олдида жамоатчилик қўядиган талабларнинг моҳиятини англашимизга ёрдам беришдаги аҳамияти муҳим.¹

Ҳамоноки, гап жамоатчиликнинг талаблари асосида кетар экан, юқорида келтириб ўтилган саволларга мазмундош “Таълим тизимини ташкилий жиҳатдан

¹ Леонид Харченко. Диверсификация современных вузов и требований, предъявляемых к научно-педагогическим кадрам, журнал “Мир науки”, 2015, №2

янгилашга мажбур этаётган сабаблар нима?” деган саволга биз, айнан, меҳнат бозори томонидан қўйилаётган талаблар деб жавоб берамиз.

Бундан узлуксиз таълимдаги диверсификация иқтисодий мазмунга эга бўлган ҳолда тижоратлилик хусусияти касб этади, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.¹ Негаки, қатор ОТМлар томонидан ўтказиб келинаётган таълим маркетинги ҳам таълимнинг бозор тамойиллари асосида олиб боришнинг “истеъмолчилар”га қулай тузилмаларини ахтариб топиш ва маҳаллий шароитларга мослаштиришни назарда тутиб келмоқда. Бироқ мазкур изланишларда таълим олувчининг ўзи истаган билимни ўзи олиши ёки унинг ўз таълим траекториясини ўзи яратишга бўлган уринишларини безътибор қолдиради. Шуниси ҳам борки, жамият ичида шаклланган талаб ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш лозимлигини тақозо этди ва узлуксиз таълимдаги диверсификациянинг секин-аста ўзини намоён қила бориши билан таълим хизматлари билан таклиф этилаётган тижорат мазмунидаги хизматлар ўртасидаги чегаранинг торайиб бориш ҳоллари кузатила бошланди. Яъни И.В.Леушина фикрича, “фойда илинжида фан даргоҳларини тижорат муассасаларига айлантириш орқали янгича хизмат турлари пайдо бўлди”.² Бу ҳол диверсификация жараёнининг инновацион характерга эга эканлиги билан боғлиқ бўлиб, таълимни ташкил этишнинг (ёки таълим муассасасининг) барча мавжуд потенциалдан амалиётда фойдаланишни ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий самарани кўзда тутди. Бироқ бу диверсификация жараёнлари ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатни кўзлаган таълим муассасасида содир бўлиши кераклигини билдирмайди, билъакс, мазкур жараён фақат таълимни ривожлантира олиш учун зарур потенциалга эга бўлган ҳамда диверсификация юзага келиши учун етарли шарт-шароитларга эга бўлган таълим муассасалари базасида содир бўлишигина зарур натижани беради. Узлуксиз таълимдаги диверсификация жараёнининг самарали кечиши учун лозим бўлган потенциал, бизнинг назаримизда, малакали мутахассислар, моддий-техник база ва ўқув-методик мажмуа каби қуйидаги ташкил этувчи элементлардан иборат бўлиши зарур.

Демак, айтишимиз мумкинки, узлуксиз таълимдаги диверсификация жараёни таълим жараёнидаги устивор ҳодиса сифатида иккита – инновацион ва таълим олувчиларнинг мундарижавий жиҳатдан эркинлигини таъминловчи хусусиятларга эгадир.

¹Джуринский А.Н. Развитие образования в современном мире. – М., 2002. 20-б.

² Джуринский А.Н. Развитие образования в современном мире. – М., 2002. 9-б.

Биз юқорида узлуксиз таълимдаги диверсификациянинг инновацион жараён сифатида ўз татбиқ этилиш ва ривожланиш тамойилларига эга бўлиши лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритган эдик. Мазкур жараённинг намоён бўлиш шароитлари, содир бўлиш босқичлари, ривожланиш факторлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлган ҳолда, энди унинг ривожланиш тамойилларига тўхталиб ўтамиз.

Сырых В.М. ва И.В.Леушина каби мутахассисларнинг таъкидлашларича, узлуксиз таълимдаги диверсификациянинг жорий этилиши ва ривожланиш тамойиллари куйидагилардир:

- муттасил ўзгарувчанлик тамойили;
- шахсга қаратилганлик тамойили;
- муқобил вариантлик тамойили;
- инсонпарварлик ва янгилик тамойили.

Таъкидлаш лозимки, мазкур тамойиллар таълим тизимининг асосий компонентлари ҳисобланган таълим ташкилотлари (муассасалари) ва уларнинг ташкилий тузилмалари ҳамда функционал хусусиятларидан иборат элементларининг тараққиётсиз, шунингдек, таълимнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган ўқув дастурларининг такомиллашувисиз ҳеч қандай маъно касб этмайди. Яъни юқорида санаб ўтилган тамойиллар таълим муассасаларининг барча ташкил этувчи компонентларига дахлдордир, ҳатто уларнинг биттасида намоён бўлмаса ҳам диверсификация жараёнини тўлақонли деб бўлмайди.¹

Кўриб турганимиздек, ўз жорий этилиш тамойилларига эга бўлган диверсификация жараёни, энг аввало, алоҳида инсоннинг манфаатлари, таълимий эҳтиёжлари, қолаверса, жамиятда яхлит ҳолда шаклланадиган ва вақт давомида ўзгариб борадиган талабларнинг динамик тарзда ривожланиб боришига боғлиқдир. Биз айтиш вақтда “қайтариқли алоқа”нинг содир бўлиш механизмини ҳам кўришимиз мумкин: яъни узлуксиз таълимдаги диверсификация жараёнлари жамиятдаги ривожланишнинг талаби бўлгани каби жамиятдаги янгиланишлар ҳам узлуксиз таълимдаги диверсификациянинг ҳосиласидир.

¹ Леушина И.В. Диверсификация в образовании и подготовка кадров для металлургического производства, журнал “Педагогика”, 13-б.

АДАБИЁТЛАР

1. Леонид Харченко. Диверсификация современных вузов и требований, предъявляемых к научно-педагогическим кадрам, журнал “Мир науки”, 2015, №2

2. Джурицкий А.Н. Развитие образования в современном мире. – М., 2002.

3. Леушина И.В. Диверсификация в образовании и подготовка кадров для металлургического производства, журнал “Педагогика”.

4. Otamurodova, S. Q. (2022). DIVERSIFICATION IS AN IMPORTANT PRINCIPLE OF CONTINUOUS EDUCATION. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(12), 1061-1063.

5. Джуракулова А., Саломова Б. Pedagogical Prerequisites for the Formation of Creativity of Elementary School Pupils. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences (IJNRAS). -хорижий илмий журнал, 2022-йил. <http://innosci.org>